

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
УМУМИЙ ХИРУРГИЯ КАФЕДРАСИ

Катта ўқитувчиси А.Э.РЎЗИЕВНИНГ

**ҚОН КЕТИШ ТАСНИФИ. ҚОН ҚУЙИШ УСУЛЛАРИ. ҚОН
КОМПОНЕНТЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ
СУЮҚЛИКЛАР. ҚОН ҚУЙИШ
МАВЗУСИДАН**

МАЪРУЗА МАТНИ

**ҚОН КЕТИШ ТАСНИФИ. ҚОН КУЙИШ УСУЛЛАРИ. ҚОН
КОМПОНЕНТЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ҚОН ЎРНИНИ БОСУВЧИ
СУЮҚЛИКЛАР. ҚОН ҚУЙИШГА КЎРСАТМА ВА ҚАРШИ
КЎРСАТМА.**

1.1.ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОДЕЛИ.

МАШГУЛОТ ВАКТИ –80 МИНУТ	ТАЛАБАЛАР СОНИ: 20 – 80 ТАГАЧА
МАШГУЛОТ ШАКЛИ	КИРИШ – АХБОРОТЛИ МАЪРУЗА
МАЪРУЗА РЕЖАСИ	1. ҚОН КЕТИШ ТАСНИФИ . 2. ҚОН КЕТИШНИ ТУХТАТИШ УСУЛЛАРИ. 3. ВАКТИНЧАЛИК ҚОН КЕТИШНИНГ УСУЛЛАРИ. 4. ҚОН КЕТИШНИ БУТКУЛ ТУХТАТИШ УСУЛЛАРИ. ҚОН ГРУХИ ВА РЕЗУС ФАКТОРНИ АНИКЛАШ УСУЛЛАРИ 5. ПОСТГЕМОРАГИК ШОК КЛИНИКАСИ ВА ДАВОЛАШ .
ПЕДАГОГ ВАЗИФАЛАРИ:	
ТАЪЛИМ БЕРИШ УСУЛЛАРИ	КЎРГАЗМАЛИ МАЪРУЗА
ТАЪЛИМ БЕРИШ ШАКЛЛАРИ	ОММАВИЙ
ТАЪЛИМ БЕРИШ ВОСИТАЛАРИ	ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА, ДАРСЛИК, МАЪРУЗА МАТНИ, КОМПЬЮТЕР
ТАЪЛИМ БЕРИШ ШАРОИТИ	МЕТОДИК ЖИХАТДАН ЖИХОЗЛАНГАН МАЪРУЗА ЗАЛИ
МАНИТОРИНГ	ОЎЗАКИ НАЗОРАТ: САВОЛ – ЖАВОБ

1.2. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ.

МАШҒУЛОТ БОСКИЧИЛАРИ ВА ВАҚТИ	ТАЪЛИМ БЕРУВЧИ	ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАР
ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ (5 ДАҚИҚА)	1.МАВЗУ БЎЙИЧА МАТН МАЗМУНИНИ ТАЙЁРЛАШ. 2.КИРИШ МАЪРУЗАСИ УЧУН ТАҚДИМОТ СЛАЙДАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ 3. ФАНИИ ЎРГАНИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	
1 - МАВЗУГА КИРИШ (15 ДАҚИҚА)	1. МАВЗУ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ БИЛАН ТАНИШТИРАДИ 2. МАВЗУ ДОЛЗАРБЛИГИ ҲАКИДА ТАЛАБАЛАР ТУШУНЧАСИ (САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАР)	ТИНГЛАЙДИЛАР ТАЛАБАЛАР
2 – АСОСИЙ БОСҚИЧ (65 ДАҚИҚА)	2.1.. КОН КЕТИШ ТАСНИФИ . КОН КЕТИШНИ ТУХТАТИШ УСУЛЛАРИ. ВАКТИНЧАЛИК КОН КЕТИШНИНГ УСУЛЛАРИ. КОН КЕТИШНИ БУТКУЛ ТУХТАТИШ УСУЛЛАРИ ПОСТГЕМОРАГИК ШОК КЛИНИКАСИ ВА ДАВОЛАШ. 2.2. МАВЗУГА ОИД МУЛЬТИМЕДИЯ НАМОЙИШ КИЛИШ. СЛАЙДЛАР НАМОЙИШ КИЛИШ	ТИНГЛАЙДИЛАР ТОМОША ҚИЛАДИ

3 - ЯКУНИЙ БОСҚИЧ (10 ДАҚИҚА)	3.1. ЯКУНЛОВЧИ ХУЛОСА ҚИЛАДИ. 3.2. МУСТАҚИЛ ИШЛАШ УЧУН САВОЛЛАР БЕРАДИ. 3.3. УЙГА ВАЗИФА БЕРАДИ.	ТИНГЛАЙДИ ЁЗИБ ОЛАДИ ЁЗИБ ОЛАДИ
-------------------------------------	--	---------------------------------------

МАЪРУЗА БАЁНИ

ҚОН КЕТИШЛАР.

ҚОН КЕТИШ БИЛАН БОГЛИК БУЛМАГАН АСОРАТЛАР БИЛАН
ХАМ ХАВФЛИ БУЛИШИ МУМКИН.МАСАЛАН,КАТТА ВЕНАЛАР
ШИКАСТИ ВАЕТИДА ВЕНАГА ХАВО КИРИБ,ХАВО ЭМБОЛИЯСИНИ
КЕЛТИРИ Б ЧИКАРИШИ МУМКИН.ЮРАК ХАЛТАСИ ИЧКИ
ЮЗАСИГА ҚОН КУЙИЛИШИ НАТИЖАСИДА ЮРАК ТАМПОНАДАСИ
ВА ЮРАК ФАОЛИЯТИНИ ТУХТАТИШГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН.

МИЯГА ҚОН КУЙИЛГАНДА,ХАЁТ УЧУН МУХИМ МАРКАЗЛАР
ФУНКЦИЯСИНИ БУЗИЛИШИ НАТИЖАСИДА УЛИМ ХОЛАТИГА
ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН.УТКИР ҚОН КЕТИШЛАРДАН
ТАШКАРИ,СУРУНКАЛИ ҚОН КЕТИШИНИ
КЛИНИКАСИ,АСОРАТЛАРНИ КУРИБ ЧИКИЛИШИ КЕРАК.

ҚОН КЕТИШНИНГ САБАБЛАРИ.

ҚОН КЕТИШНИНГ ЭНГ КУП САБАБИ БУЛИБ-ШИКАСТЛАР
БУЛИБ ХИСОБЛАНАДИ.ЧУНКИШИКАСТЛАР ВАКТИДА ТОМИРЛАР
БУТУНЛИГИНИ БУЗИЛИШИ ЮЗАГА КЕЛАДИ.ҚОН КЕТИШЛАР
ТОМИРЛАР ДЕВОРИ УТКАЗУВЧАНЛИГИНИ БУЗИЛИШИ,ҚОН
ХИМИЗМИНИ БУЗИЛИШИ ХАМ ҚОН КЕТИШИГА ОЛИБ КЕЛИШИ
МУМКИН.

ҚОН КЕТИШЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ:

1.АНАТОМО-ФИЗИОЛОГИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

А)АРТЕРИАЛ ҚОН КЕТИШЛАР,

В)ВЕНОЗ ҚОН КЕТИШЛАР,

С)КАПИЛЯРЛАР.

Г)ПАРЕНХИМАТОЗ.

2.САБАБИГА КУРА:

А)МЕХАНИК

В)НЕЙРОТРОФИК

3.КЛИНИК КЕЧИШИГА КАРАБ :

А)ТАШКИ,

В)ИЧКИ.

4.ВАКТИГА КАРАБ:

А)БИРЛАМЧИ,

В)ИККИЛАМЧИ:ЭРТА

КЕЧКИ.

ҚОН КЕТИШНИНГ КЛИНИК МАНЗАРАСИ ТЎКИМАЛАР ШИКАСТИ, ШИКАСТНИ РАЗМЕРИ, ШИКАСТЛАНГАН ТОМИРНИ КАЛИБРИГА, ҚОНИ ҚАЕРГА КЕТАЁТГАНИГА БОГЛИК БУЛАДИ. КЛИНИКАСИДА УМУМИЙ ВА МАХАЛИЙ БЕЛГИЛАР ФАРКЛАНАДИ.

ҚОН ТОМИРЛАР УЗАНИДАН ҚОННИНГ ТУКИМАЛАРГА ТАШКИ МУХИТГА ЁКИ ТАНАНИНГ БИРОР БУШЛИГИГА ЧИКИШИГА ҚОН КЕТИШ ДЕЙИЛАДИ.

ҚОН КЕТИШИ ҚОН ТОМИР ДЕВОРИ БУТУНЛИГИНИНГ БИРОР АГЕНТ ТАЪСИРИДА БУЗИЛИШИДАН ЮЗАГА КЕЛАДИ. БУНИНГ САБАБЛАРИ:

- ТРВМА ҚОН БОСИМИНИНГ ОШИШИ;
- ТРАВМА МЕХАНИК , ХИМИК, ФИЗИК, БИОЛОГИК ВА Х.
 - АТМОСФЕРА БИРДАН ПАСАЙИШИ;
- ҚОН ТОМИРЛАРИНИНГ АНЕВРИЗМАТИК КЕНГАЙИШИ (ТРАВМАТИК, СИФАЛИТИК, АТЕРОСКЕРОЗДА);
 - ҚОН МЕХАНИЗМИНИНГ БУЗИЛИШИ;
- ҚОН ТОМИР ДЕВОРЛАРИНИНГ УТКАЗУВЧАНЛИГИ ОШГАНДА (ТОКСИНЛАР ТАЪСИРИДА, ГИПО- ВА АВИТАМИНОЗЛАРДА, ГЕМОФИЛИЯДА, ВЕРЛГОФ КАСАЛЛИГИДА

ҚОН КЕТИШЛАР ТАСНИФИ

1.АНАТОМО- ФИЗИОЛОГИК ТАСНИФИ:

А) АРТЕРИАЛ,

Б) ВЕНОЗ

В) АРТЕРИО – ВЕНОЗ

Г) КАПИЛЯР

Д) ПАРЕНХИМАТОЗ

2. КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБИГА КЎРА:

А) МЕХАНИК (ҚОН ТОМИР ДЕВОРИНИНГ МЕХАНИК ШИКАСТИДА)

Б) НЕЙРОТРОФИК (ҚОН ТОМИР ДЕВОРИНИНГ НЕЙРОТРОФИК ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШИДА)

3. КЛИНИК КЎРИНИШИГА АСОСАН:

А) ТАШҚИ (ҚОН ТАШҚИ АТМОСФЕРАГА ЧИҚИШИ)

Б) ИЧКИ (ТАНА БЎШЛИҚЛАРИГА ҚОН ҚУЙИЛИШИ)

В) ЯШИРИН (МАХСУС ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ БИЛАН АНИҚЛАНАДИГАН)

4. ҚОН КЕТИШИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ВАҚТИГА КЎРА:

А) БИРЛАМЧИ ҚОН КЕТИШИ (ШИКАСТЛАНИШ БЎЛИШИ БИЛАН ДАРҲОЛ БОШЛАНУВЧИ ҚОН КЕТИШИ)

Б) ИККИЛАМЧИ ЭРТА ҚОН КЕТИШИ (ЖАРОҲАТ ОЛИНГАНДАН КЕЙИН ҲАЛИ ЖАРОҲАТГА ИНФЕКЦИЯ ТУШМАСДАН ЯЪНИ БИР – НЕЧА СОАТЛАРДАН КЕЙИН)

В) ИККИЛАМЧИ КЕЧКИ ҚОН КЕТИШИ (ЖАРОҲАТГА ИНФЕКЦИЯ ТУШГАНДАН КЕЙИН ИНФЕКЦИЯ ТАЪСИРИДА – АРРОЗИВ ҚОН КЕТИШИ).

ҲАР БИР ТУРДАГИ ҚОН КЕТИШЛАР ЎЗ НАВБАТИДА ЎЗИГА ХОС БЎЛГАН ҲОЛЛАРДА ОРГАНИЗМ УЧУН ХАВФЛИ БЎЛИБ ҲИСОБЛАНАДИ. АРТЕРИЯДАН ҚОН КЕТГАНДА БЕМОР ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА КЎП ҚОН ЙЎҚОТИБ ҚОН КЕТИШИДАН ШОККА ТУШИШИ МУМКИН. ВЕНАЛАРДАН ҚОН КЕТГАНДА ЭСА ҲАЁТ УЧУН ЖУДА ХАВФЛИ БЎЛГАН ҲАВО ЭМБОЛИЯСИ КУЗАТИЛИШИ МУМКИН (МАГИСТРАЛ ВЕНАДАН ҚОН КЕТГАНДА).

ПАРЕНХИМАТОЗ ҚОН КЕТИШИДА ҚОН ЎЗ – ЎЗИДАН ТЎХТАШ ХУСУСИЯТИГА ЭГА БЎЛМАГАНЛИГИ САБАБЛИ КЎП ҚОН ЙЎҚОТИБ, ОҒИР АСОРАТЛАРГА САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН.

ЎТКИР ҚОН ЙЎҚОТИШ КЛИНИКАСИ

ҚОН КЕТИШИНИНГ ҚАЙСИ ТУРИ БЎЛИШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, УНДА БЎЛАДИГАН КЛИНИК ВА ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР ОРГАНИЗМДАГИ УМУМИЙ ҲОЛАТ БИЛАН ИФОДАЛАНАДИ. УШБУ ЎЗГАРИШЛАРДА АСОСИЙ ЎРИННИ ЦИРКУЛЯЦИЯДАГИ ҚОН ҲАЖМИНИНГ (ЦҚХ) КАМАЙИБ БОРИШИ БЕЛГИЛАЙДИ.

ЎТКИР КАМ ҚОНЛИК ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ БЎЛГАН
ЦИРКУЛЯТОРВА ГЕМОДИНАМИК ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН КЕЧАДИ.
СОҒЛОМ ОДАМДА ЦКХ НИНГ 10 % ГА ТЕНГ ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА
(500 МЛ) ЖУДА СЕЗИЛАРЛИ, ГЕМОДИНАМИК ЎЗГАРИШЛАР
КУЗАТИЛМАЙДИ.

В.А.КЛИМАНСКИЙ ВА Я.А.РУДАЕВ (1984 Й) ҚОН ЙЎҚОТИШНИНГ 3
ТА БОСҚИЧНИ ТАФОВУТ ҚИЛАДИ:

1. КАМРОҚ ҲАЖМДА ҚОН ЙЎҚОТИШ – ЦКХ НИНГ 25 % ГАЧА
2. КЎП ҚОН ЙЎҚОТИШ – ЦКХНИНГ 30 – 40 % ГАЧА
3. МАССИВ ҚОН ЙЎҚОТИШ – ЦКХ НИНГ 40 % ДАН КЎП ҚОН
ЙЎҚОТИШ

ЦКХ НИНГ 25 % ГАЧА ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА ОРГАНИЗМНИНГ ЎЗИ
ЙЎҚОТИЛГАН ҚОННИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛАДИ. БУНДА
ГЕМОДЕЛЮЦИЯ ҚОННИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНИШИ ВА БОШҚА
ФАКТОРЛАР АСОСИЙ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ, ЯЪНИ ОРГАНИЗМ ЎЗ –
ЎЗИНИ РЕГУЛЯЦИЯ ҚИЛАДИ. ЦКХ НИНГ 30 % ИГА
ТЕНГ ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА ОРГАНИЗМДА ҚОН АЙЛАНИШИ
КУЗАТИЛАДИ. ЦКХ НИНГ
40 % И ВА УНДАН КЎП ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА ГЕМОРАГИК ШОК
НАМОЁН БЎЛАДИ.

ҚОН КЕТИШ БИЛАН БЕМОРЛАРНИ ТЕКШИРГАНДА ДАСТАВВАЛ
ҚОН КЕТИШ МАНБАСИНИ АНИҚЛАШ ЛОЗИМ. МАССИВ ҚОН
ЙЎҚОТИШДА ТРИАДА СИМПТОМИ: АРТЕРИАЛ ҚОН БОСИМИНИНГ
ПАСТЛИГИ, ИПСИМОН ПУЛС ВА СОВУҚ ТЕР БОСИШИ АСОСИЙ
СИМПТОМЛАР БЎЛИБ ҲИСОБЛАНАДИ. БАЪЗАН ЭС – ҲУШНИНГ
ТУМАНЛАШУВИ, ОҒИЗ ҚУРИШИ, СУВСИРАШ, КУЗ
ҚОРАЧИҒИНИНГ КЕНГАЙИШИ, НАФАС ТЕЗЛАШУВИ
КУЗАТИЛАДИ. ЦКХ НИНГ 25 % ГАЧА ҚОН
ЙЎҚОТИШДА МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИДА ЎЗГАРИШЛАР
БЎЛМАСЛИГИ ЁКИ БИРОЗ ҚЎЗҒАЛИШ КУЗАТИЛАДИ.

ЦКХ НИНГ 30 – 40 % ИГА ТЕНГ ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА ЭС – ҲУШ
САҚЛАНГАН, БАЪЗИ БЕМОРЛАРДА УЙҚУСИРАШ, ТАШҚИ
МУИТГА ЭЪТИБОРСИЗЛИК КУЗАТИЛАДИ. ЦКХ НИНГ 40 % ИДАН
КЎП ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИДА
СЕЗИЛАРЛИ ДЕПРЕССИЯ ҲОЛАТИ АНИҚЛАНАДИ: АДИНАМИЯ,
АПАТИЯ, БАЪЗАН ГИПОКСИЯЛИ КОМА КУЗАТИЛАДИ.

ЦКХ НИНГ ВА ВЕНОЗ ҚОННИ ЮРАККА ҚАЙТИШИ КАМАЙИШИ
НАТИЖАСИДА СИМПАТИКО – АДРЕНАЛ СИСТЕМАДА ҚЎЗҒАЛИШ
ВА ВАГУС МАРКАЗИНИНГ ТОРМОЗЛАНИШИ ЮЗАГА КЕЛИБ ТАХИ
КАРДИЯ КУЧАЯДИ. СИМПАТИК НЕРВ СИСТЕМАСИ

РЕЦЕПТОРЛАРНИНГ СТИМУЛЯЦИЯЛАНИШИ ТЕРИ ВА БУЙРАК
АРТЕРИЯ ТОМИРЛАРИНИНГ ВАЗОКОНСТРИКЦИЯСИНИ
ЧАҚИРАДИ ВА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ “МАРКАЗЛАШУВИ”
КУЗАТИЛАДИ. ЦКХНИНГ 30 %ИГА ТЕНГ ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА
ЮРАК, ЖИГАР, МИЯДА, МУШАКЛАРДА ҚОН АЙЛАНИШИ 40 – 60
%ИГАЧА КАМАЯДИ.

МАССИВ ҚОН ЙЎҚОТИШЛАРДА ПУЛЬС 120 – 130 ТАГАЧА
МИНУТИГА ТЕЗЛАШИБ ҚОН ҲАЖМИ КАМАЙГАНДА ЮРАКДАН
ҚОН ЧИҚИШИНИ ҚУВВАТЛАБ ТУРАДИ. ПУЛЬС МИНУТИГА 150
ТАГАЧА ОШГАНДА ЮРАКДАН ҚОН ЧИҚИШИ КАМАЯДИ,
ДИАСТОЛА ВАҚТИ КАМАЯДИ, КОРОНАР ҚОН ЕКЛИШ ВА ЮРАК
ҚОРИНЧАЛАРИ ҚОН БИЛАН ТЎЛИШИ КАМАЯДИ.

ЦКХНИНГ 25 % ГАЧА ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА КАТТА ВЕНАЛАР ВА
АРТЕРИОЛАЛАР ВАЗОКОНСТРИКЦИЯСИ ҲИСОБГА АРТЕРИАЛ
ГИПОТЕНЗИЯ КУЗАТИЛМАЙДИ. ҲАТТОКИ АРТЕРИАЛ БОСИМ
БИРОЗ ЮҚОРИ БЎЛИШИ ҲАМ МУМКИН. АРТЕРИАЛ ҚОН
БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ЦКХ ДЕФИЦИТИНИНГ ОШИБ
БОРИШИГА БОҒЛИҚ. МАСАЛАН АРТЕРИАЛ СИСТОЛИК БОСИМ 80 –
90 ММ. СИМ. УСТ ТЕНГ БЎЛГАНДА ҚОН ҲАЖМИ 15 – 25 % ГА
ЮРАК ҚОН ЧИҚАРИШИ 30 – 35 %ГА КАМАЯДИ.

МАРКАЗИЙ ВЕНОЗ БОСИМИ (МВБ) ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА 5 СМ СУВ
УСТ. ДАН ПАСТ БЎЛСА БУ ЦКХ КАМАЙГАНЛИГИ ВА
ГИПОВАЛЕМИЯДАН ХАБАР БЕРАДИ, ИНФУЗИОН ТЕРАПИЯГА
КЎРСАТМА БЎЛИБ ҲИСОБЛАНАДИ. МВБ 5 – 10 СМ СУВ УСТ. ТЕНГ
БЎЛСА ЮРАККА ҚОН КЕЛИШИ МЕЪЁРИЙ ҲИСОБЛАНАДИ, 15 СМ
СУВ УСТ. ТЕНГ БЎЛГАН МВБ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДАН
ДАЛОЛАТДИР. ГЕМОРАГИК ШОҚДА МВБ 3 СМ СУВ УСТ. ДАН
ОШМАЙДИ. ҚОН КЕТИШИДА БУЙРАКЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАМ
ТУБДАН ЎЗГАРАДИ. ЦКХ ДЕФИЦИТИДА ВА БУЙРАКЛАРДА ҚОН
КЕЛИШИ КАМАЙГАНДА ДИУРЕЗ 20 – 15 МЛ/С ГАЧА ТУШАДИ.
МАССИВ ҚОН КЕТИШ ЁКИ ГЕМОРАГИК ШОҚДА ЎТКИР БУЙРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИ РИВОЖЛАНАДИ.

ЙЎҚОТИЛГАН ҚОН ҲАЖМИНИ АКНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

ОПЕРАЦИЯ ВАҚТИДА ЙЎҚОТИЛГАН ҚОН ҲАЖМИНИ ОДДИЙ ВА
ҚУЛАЙ УСУЛ БИЛАН АНИҚЛАШ МУМКИН. ЙЎҚОТИЛГАН ҚОН
ҲАЖМИ ОПЕРАЦИЯ ВАҚТИДА ИШЛАТИЛГАН САЛФЕТКА,
ШАРИКЛАР ОҒИРЛИГИНИНГ 57 %ИГА ТЕНГ. БУНИ 1960 Й. М.Л.
ЛИБОВ ТАКЛИФ ҚИЛГАН ЭДИ.

АЛГОВЕР ШОК ИНДЕКСИ АСОСИДА ҲАМ ЙЎҚОТИЛГАН ҚОН
ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ МУМКИН. ПУЛЬСНИНГ СИСТОЛИК
АРТЕРИАЛ БОСИМГА НИСБАТАН АЛГОВЕР ШОК ИНДЕКСИ БЎЛИБ,
МЕЎЁРИЙ ҲОЛАТДА 1.0 ДАН ОШМАЙДИ.

АЛГОВЕР ШОК ИНДЕКСИ:

ЙЎҚОТИЛГАН ҚОН ҲАЖМИ

(%)

0.8 ВА ПАСТ	10
0.9 – 1.2	20
1.3 – 1.4	30.
1.5 ВА ЮКОРИСИ	40

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ЎТКИР ҚОН ЙЎҚОТИШНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ ЦКХ НИНГ 20 – 25 % ГАЧА ҚОН ЙЎҚОТГАНДА ВА УНДАН КЎПРОҚ ҚОН ЙЎҚОТИЛГАНДА ЮЗАГА ЧИҚАДИ.

ҚОН КЕТИШНИ ТЎХТАТИШ УСУЛЛАРИ

ҚОН КЕТИШИНИ ТЎХТАТИШ УСУЛЛАРИ 2 ТА ГУРУҲГА
БЎЛИНАДИ:

1. ҚОН КЕТИШИНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИШ УСУЛЛАРИ.
2. ҚОН КЕТИШИНИ БАТАМОМ ТЎХТАТИШ УСУЛЛАРИ

1. ҚОН КЕТИШИНИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИШ УСУЛЛАРИ:

А) ЭСМАРХ, БРАЙЦЕВ ЖГУТЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

**Б) ЖАРОҲАТЛАНГАН ЖОЙДАН БИРОЗ ЮҚОРИДА БАРМОҚ БИЛАН
БОСИШ**

В) ЖАРОҲАТДА ТОМИРНИ БАРМОҚ БИЛАН БОСИШ

Г) ҚОН КЕТАЁТГАН СОҲАНИ ЮҚОРИГА КЎТАРИБ ҚЎЙИШ

Д) ҚЎЛ ЁКИ ОЁҚНИ БЎҒИМИДАН МАКСИМАЛ БУКИШ

Е) ҚОНАЁТГАН ЖАРОҲАТ ЮЗАСИГА БОСУВЧИ БОҒЛАМ ҚЎЙИШ

Ж) ЯРА ТАМПОНАДАСИ

3) ҚОНАЁТГАН ТОМИРГА ҚИСҚИЧ ҚЎЙИШ

- ## 2. ҚОН КЕТИШИНИ БАТАМОМ ТЎХТАТИШ УСУЛЛАРИ:

А) МЕХАНИК УСУЛЛАРИ:

- ТОМИРНИ ЯРАДА ЁКИ УНДАН ЮҚОРИДА БОҒЛАШ
- ҚОНАЁТГАН ТОМИРГА ЧОК ҚЎЙИШ
- ҚОНАЁТГАН ТОМИРНИ ИККИ ЛИГАТУРА ЎРТАСИДА РЕЗЕКЦИЯСИ
- ҚОНАЁТГАН АЪЗОНИ ОЛИБ ТАШЛАШ (БУЙРАК, ТАЛОҚ)
- ЖАРОҲАТНИ ТАМПОНЛАШ
- ЯРАДА ТОМИРНИ ҚИСҚИЧ БИЛАН БУРАШ

Б) ФИЗИК УСУЛЛАР: - ПАСТ ҲАРОРАТДА ТАЪСИР ЭТИБ ҚОННИ ТЎХТАТИШ – ТОМИРЛАР СПАЗМИ ВА ТОМИРЛАРДА ТРОМБ ҲОСИЛ БЎЛИШИНING ТЕЗЛАШИШИГА АСОСЛАНГАН.

- ЮҚОРИ ҲАРОРАТ ТАЪСИРИДА – ҚОНДАГИ ОҚСИЛЛАР КОАГУЛЯЦИЯЛАНИБ ТРОМБ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ТЕЗЛАШАДИ.

В) ХИМИЯВИЙ УСУЛЛАР:

БУНДА ҚОН ТОМИРЛАРИНИ ТОРАЙТИРУВЧИ ВА ҚОН ИВИШ ПРОЦЕСИНИ ТЕЗЛАШТИРУВЧИ ХИМИЯВИЙ ПРЕПАРАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ:

- АДРЕНАЛИННИНГ 1/1000 НИСБАТИДАН МАҲАЛЛИЙ ҚОН ТЎХТАТИШДА ИНЪЕКЦИЯДА ЭСА 0.5 – 1.0 МЛ ФОЙДАЛАНИЛАДИ.
- КАЛЬЦИЙ ХЛОРИД 10% - 10МЛ ВЕНА ИЧИГА
- СУВЛИ МУРЧ ЭКСТРАКТИ (30 – 40 ТОМЧИДАН 3 МАҲАЛ ИЧИШ УЧУН)

Г) БИОЛОГИК УСУЛЛАР:

УМУМИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАН БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

УМУМИЙ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАН ПРЕПАРАТЛАР:

- ҚОН
- ВИТАМИН К
- ЗАРДОБЛАР
- ФИБРИНОГЕН, БОШҚАЛАР,

МАҲАЛЛИЙ ТАЪСИРГА ЭГА БЎЛГАН ПРЕПАРАТЛАР:

- БИОЛОГИК ТОМПОНАДА УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН ЧАРВИ,
МУШАК
- ТРОМБИН – ҚУРУҚ ОҚСИЛ ПРЕПАРАТИ
- БИОЛОГИК АНТИСЕПТИК ТАМПОН (БАТ)

ҚОН ГУРУХЛАРИ

1901 йилда ЛАНДШТЕЙНЕР ҚОН ГУРУХЛАРИ ҲАҚИДАГИ КУЗАТУВ ВА ТАЖРИБАЛАРИНИ ЧОП ЭТТИРДИ. УНГА АСОСАН БАРЧА ҚОН 3 ТА ГУРУХГА АЖРАТИЛДИ. 1907 йилда ЭСА Я.ЯНСКИЙ 4 – ГУРУХ ҲАМ БОРЛИГИНИ ИСБОТЛАБ БЕРДИ. 1921 йилда ХАЛҚАРО ТАСНИФГА АСОСАН ҚОННИНГ 4 ТА ГУРУҲИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. ҚОН ГУРУХЛАРИ ҚОНДА ЭЙРИТРОЦИТЛАР ТАРКИБИДАГИ АГЛЮТИНОГЕН ВА ҚОН ЗАРДОЛБИДАГИ АГЛЮТИНИНЛАРГА КЎРА АЖРАТИЛАДИ:

1 – ГУРУХДА ЭРИТРОЦИТЛАР ТАРКИБИДА АГЛЮТИНОГЕНЛАР ЙЎҚ ЗАРДОБДА ЭСА АЛФА ВА БЕТТА АГЛЮТИНИНЛАР МАВЖУД.

2 – ГУРУХДА ЭРИТРОЦИТЛАРДА А – АГЛЮТИНОГЕН, ЗАРДОБДА БЕТТА АГЛЮТИНИН БОР.

3 – ГУРУХ ҚОН ТАРКИБИДА ЭРИТРОЦИТЛАРДА В – АГЛЮТИНОГЕН ВА ЗАРДОБДА АЛФА АГЛЮТИНИН БОР

4 – ГУРУХ ҚОНДА ЭРИТРОЦИТЛАР ТАРКИБИДА А ВА Б АГЛЮТИНОГЕНЛАР ҚОН ЗАРДОБИДА ЭСА АГЛЮТИНИНЛАР ЙЎҚ.

АГЛЮТИНОГЕНЛАР ЭРИТРОЦИТЛАРДА 3 ОЙЛИК ҲОМИЛА ДАВРИДА, АГЛЮТИНИНЛАР ЭСА ЗАРДОЮДА ЧАҚАЛОҚ ҲАЁТИНИНГ БИРИНЧИ ЙИЛИДА ПАЙДО БЎЛАДИ. АГЛЮТИНОГЕН АНИНГ А1 ВА А2 КЎРИНИШЛАРИ БОР. А1 95 % ҲОЛЛАРДА А2 ЭСА 5% ҲОЛЛАРДА УЧРАЙДИ. АҲОЛИ ЎРТАСИДА ҚОН ГУРУҲИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ҚУЙИДАГИЧА: БИРИНЧИ ГУРУХ ОДАМЛАР 41%, 2 ГУРУХ ОДАМЛАР 38%, 3 ГУРУХ ОДАМЛАР 18%, 4 ГУРУХ ОДАМЛАР 3% НИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

ҚОН ГУРУҲИНИ АНИҚЛАШ ТУРЛИ УСУЛЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

А) СТАНДАРТ ГЕЗАРДОБЛАР ЁРДАМИДА:

Б) СТАНДАРТ ЭРИТРОЦИТЛАР ЁРДАМИДА:

В) КЕСИШМА УСУЛИДА

ТАЛАБАЛАРГА ҚОН ГУРУҲИ ВА РЕЗУС ФАКТОРНИ АНИҚЛАШДАН ОЛДИН ҚОН ГУРУҲИНИНГ БУЛИНИШ ТУРЛАРИ, ХАР КАЙСИ ҚОН

ГУРУХИНИ ЁЗИЛИШ ТАРТИБИ, АГЛЮТИНОГЕН ВА АГЛЮТИНИНЛАР НИМА, УЛАР КОНИ КАЙСИ КИСМИДА БУЛАДИ, КАБИ САВОЛЛАР ТАХЛИЛ КИЛИНАДИ, ШУНДАН СУНГ ТАЛАБАЛАРДАН БИРИНИНГ КОН ГУРУХИ АНИКЛАНАДИ, БУНИНГ УЧУН 2 СЕРИЯДА АЛОХИДА ТАРЕЛКАЛАРГА 0(I); A(II); B(III) СТАНДАРТ ЗАРДОБЛАР ТОМИЗИЛИБ, ШУ ЗАРДОБЛАР УСТИГА ГУРУХИ АНИКЛАНИШИ КЕРАК БУЛГАН КОН БИР ТОМЧИДАН ТОМИЗИЛАДИ ВА ШИША ТАЙЁКЧА БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИ, ВАКТ БЕЛГИЛАНИБ, 5 МИНУТДАН СУНГ ЖАВОБИ АНИКЛАНАДИ. СТАНДАРТ ЗАРДОБ ВА ГУРУХИ АНИКЛАНИШИ КЕРАК БУЛГАН КОН ОРАСИДА БУЛГАН РЕАКЦИЯЛАРИДА – КУЙИДАГИ

4 МУСБАТ ЁКИ МАНФИЙ ЖАВОБЛАРИБУЛИШИ МУМКИН:

1. ЮКОРИДАГИ 3 ТА ТАРЕЛКАЛАРНИНГ ХЕЧ КАЙСИСИДА АГГЛЮТИНАЦИЯ БУЛМАСА, БУ КОН 0(I) ГУРУХ.
2. АГАР A(II) ГУРУХ ЗАРДОБИ БИЛАН МАНФИЙ РЕАКЦИЯ, 0(I) ВА B(III) ГУРУХ ЗАРДОБЛАРИ БИЛАН МУСБАТ АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ БУЛСА, БУ КОН A(II) ГУРУХГА ТАЪЛУКЛИ.
3. АГАР B(III) ГУРУХ ЗАРДОБИ БИЛАН МАНФИЙ РЕАКЦИЯ 0(I) ВА A(II) ГУРУХ ЗАРДОБЛАРИ БИЛАН АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ БУЛСА, БУ КОН B(III) ГУРУХГА ТАЪЛУКЛИ.
4. АГАР БАРЧА КОН ЗАРДОБЛАРИ БИЛАН АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ БУЛСА, БУ КОН АВ(IV) ГУРУХГА ТАЪЛУКЛИ.

СТАНДАРТ ЗАРДОБЛАР БИЛАН БУЛАДИГАН МАНФИЙ ВА МУСБАТ АГГЛЮТИНАЦИЯЛАР КОМБИНАЦИЯСИ.			АНИКЛАНАДИГАН КОН ГУРУХИ.
0(1)	A(2)	B(3)	
-	-	-	0 (I)
+	-	+	A (II)
+	+	-	B (III)
+	+	+	AB (IV)

АГАР БОШКА КОМБИНАЦИЯЛИ НАТИЖАЛАР АНИКЛАНСА, УНДА КОН ГУРУХИ ЁКИ НОТУГРИ АНИКЛАНГАН ЁКИ СТАНДАРТ ЗАРДОБЛАР ЯРОКСИЗ.

БЕМОР КОНИ ГУРУХИНИ СТАНДАРТ ЭРИТРОЦИТЛАР ЁРДАМИДА АНИКЛАШ.

БЕМОР ВЕНАСИДАН 2-3 МЛ КОН ОЛИНИБ, ИЧИДА 0,5 МЛ -4-5 % ЛИ ЛИМОН КИСЛОТАЛИ НАТРИЙ БУЛГАН ПРОБИРКАГА СОЛИНАДИ. БУ КОН ТО ЗАРДОБИ АЖРАЛГУНЧА ЦЕНРАФУГАЛАНАДИ.

ТАРЕЛКАГА 6 ТОМЧИ АЖРАЛГАН БЕМОР КОНИ ЗАРДОБИДАН 3 ТА КАТАКЧАГА СОЛИНАДИ ВА УЛАРНИНГ ЁНИГА 1 ТОМЧИДАН А(2); В(3) ГУРУХ КОНЛАРИНИНГ ЭРИТРОЦИТЛАРИ ТОМИЗИЛИБ, ШИША ТАЙЁКЧАЛАР БИЛАН АРАЛАШТИРИЛАДИ. ШУНДАН СУНГ ТАРЕЛКАНИ 5 МИНУТГАЧА ЧАЙКАБ ТУРИБ, АРАЛАШМАНИ УСТИГА 1-2 ТОМЧИДАН ФИЗИОЛОГИК ЭРИТМА ТОМИЗИЛАДИ ВА РЕАКЦИЯ НАТИЖАСИ КУЙИДАГИЧА АНИКЛАНАДИ:

ЭРИТРОЦИТЛАР БИЛАН БУЛАДИГАН МАНФИЙ ВА МУСБАТ АГЛЮТИНАЦИЯЛАР КОМБИНАЦИЯСИ.			АНИКЛАНАДИГАН КОН ГУРУХИ.
0(I)	A(II)	B(III)	
+	+	+	0 (I)
-	-	+	A (II)
-	+	-	B (III)
-	-	-	AB (IV)

ИЗОГЕМАГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИНИ АНИКЛАШДАГИ
БУЛАДИГАН ХАТОЛИКЛАР.

ЮКОРИДА АЙТИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР АСОСАН 2 САБАБГА КУРА
ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН:

-АГЛЮТИНАЦИЯ РЕКЦИЯСИ БУЛМАГАНДА, УНИ БОР ДЕБ КАБУЛ
КИЛИШ,

- АГЛЮТИНАЦИЯ РЕКЦИЯСИ БОРУ, ЛЕКИН УНИ ЁМОН
КУРИНАЁТГАНЛИГИ УЧУН ЯХШИ АНИКЛАНМАСЛИГИ.

ЁЛГОН АГГЛЮТИНАЦИЯ САБАБЛАРИ:

1. 10 С ДАН ПАСТ ХАРОРАТДА КОН ГУРУХИ АНИКЛАНИШИ,
2. ЭРИТРОЦИТЛАРНИ БИР-БИРИГА ЁПИШИБ КОЛИШИ,
3. КОН ГУРУХИНИ АНИКЛАШДА БАКТЕРИАЛ ИФЛОСЛАНГАН ЁКИ
ГУБОРЛИ СТАНДАРТ ЗАРДОБЛАР ЁКИ ЭРИТРОЦИТЛАРНИ
КУЛЛАНИЛИШИ,
4. ХОНА ХАРОРАТИ 30 С ДАН БАЛАНД БУЛИШИ,
5. СТАНДАРТ ЗАРДОБЛАР ТИТРИ ПАСТЛИГИ,
6. СУСТ СЕЗУВЧАНЛИК,

7. РЕАКЦИЯГА ТОМИЗИЛГАН КОН МИҚДОРИНИ ЗАРДОБГА
НИСБАТАН КУПЛИГИ,
8. КЕРАКЛИ ВАКТ ДАВОМИДА АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ (5
МИНУТ) КУЗАТИЛМАСЛИГИ.

ЁЛГОН АГГЛЮТИНАЦИЯ ПРОФИЛАКТИКАСИ.

1. КОН ГУРУХИНИ АНИКЛАШ ХОНА ХАРОРАТИ 15-25 С ДА ОЛИБ
БОРИЛИШИ КЕРАК.
2. БАРЧА АРАЛАШМАЛАРГА 2-3 ТОМЧИ ФИЗИОЛОГИК ЭРИТМА
КУШИЛИШИ КЕРАК.
3. ФАКАТ ТОЗА 1-2 КУНЛИК ЭРИТРОЦИТЛАРНИ КУЛЛАШ.
4. ФАКАТГИНА РЕАКЦИЯГА ТИТРИ 1:32 ДАН КАМ БУЛМАГАН
ЗАРДОБЛАРНИ 2-СЕРИЯДА КУЛЛАШ.
5. СТАНДАРТ ЗАРДОБ ВА ЭРИТРОЦИТЛАР МИҚДОРИ РЕАКЦИЯ
ВАКТИДА 10:1 БУЛИШИ КЕРАК.
6. РЕАКЦИЯНИ 5 МИНУТДАН КАМ БУЛМАГАН ВАКТ ДАВОМИДА
КУЗАТИШ КЕРАК.

РЕЗУС ФАКТОР

ИНСОН ҚОНИ ЭРИТРОЦИТЛАРИДА ЯНГИ АНИҚЛАНМАГАН АГЛЮТИНОГЕН БОРЛИГИНИ 1940 ЙИЛДА ЛАНДШТЕЙНЕР ВА ВИННЕР АНИҚЛАГАН ВА УНИ РЕЗУС ФАКТОР ДЕБ АТАШГАН. БУ АНТИГЕН БИРИНЧИ МАРТА МАКАК РЕЗУС МАЙМУНЛАР ЭРИТРОЦИТЛАРИДА АНИҚЛАНГАН. ҚОН ТАРКИБИДА РЕЗУС АНТИГЕН БОР ОДАМЛАР 85% НИ АНТИГЕНИ БЎЛМАГАНЛАР 15% НИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ҚОНДАГИ РЕЗУС ФАКТОРНИ АНИҚЛАШ УЧУН АНТИРЕЗУС ЗАРДОБЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

ҚОН КУЙИШ УСУЛЛАРИ. ҚОН КОМПОНЕНТЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ ҚОН УРНИНИ

БОСУВЧИ СУЮКЛИКЛАР. ҚОН КУЙИШГА КУРСАТМА ВА ҚАРШИ КУРСАТМА .

ҚОН КУЙИШДАН ОЛДИН, ҚОН КУЙУВЧИ ВРАЧ КУЙИДАГИЛАРНИ БИЛИШИ КЕРАК:

1. КОНСЕРВАЦИЯЛАНГАН ҚОН ЯРОКЛИМИ ЁКИ ЙУКМИ, ҚОН ТАЙЁРЛАНГАН КЕЙИНГИ ДАВРДА КОНСЕРВАЦИЯ ВАКТИ УТГАНМИ, ЙУКМИ, ҚОН САКЛАНАЁТГАН ИДИШНИ ГЕРМЕТИКЛИГИ ТЕКШИРИЛАДИ ВА ҚОННИНГИ ПАСПОРТИЗАЦИЯСИ (ЭТИКЕТКАСИ) КУРИЛАДИ.
2. ҚОННИНГ ТАШКИ КУРИНИШИНИ КУЗДАН КЕЧИРГАНДА: КОНСЕРВАЦИЯЛАНГАН, ЯРОКЛИ ХОЛДА САКЛАНГАН ҚОН ИККИ КАВАТГА БУЛИНАДИ; ПАСТКИ - ЭРИТРОЦИТЛАР, ЮКОРИГИ- ПЛАЗМА. ПЛАЗМА ТИНИК ЁРКИН - САРГИШ РАНГДА, ГУБОРСИЗ БУЛИШИ КЕРАК. ЭРИТРОЦИТ КАВАТИ УСТИДА ОК КОБИКЛИ - ЛЕЙКОЦИТАР КАВАТ ФАРКЛАНАДИ.

ДАВОЛАШ АМАЛИЁТИДА ҚОН КУЙИШНИНГ КУЙИДАГИ
УСУЛЛАРИ КУЛЛАНИЛАДИ:

1. КОНСЕРВЛАНГАН ҚОНИ КУЙИШ.
2. ТУГРИДАН – ТУГРИ ЯЪНИ ДОНОРДАН РЕЦИПИЕНТГА ҚОНИ КУЙИШ.
3. АЛМАШИНУВ ЙУЛИ БИЛАН ҚОН КУЙИШ.
4. АУТОГЕМОТРАНСФУЗИЯ – ОЛДИН БЕМОРНИНГ УЗИДАН ҚОН ОЛИНИБ, КЕЙИН УНИНГ УЗИГА КУЙИЛАДИ.
5. РЕИНФУЗИЯ – БЕМОРНИНГ КОРИН ЁКИ КУКРАК КАФАСИ БУШЛИГИГА ЙИГИЛГАН ҚОНИ ОПЕРАЦИЯ ВАКТИДА ЁКИ КЕЙИН КАЙТА КУЙИШ.

КОН КУЙИШДАН ОЛДИН КУЙИДАГИ КОИДАЛАРГА РИОЯ КИЛИШ
ШАРТ:

ИНДИВИДУАЛ МОСЛИК СИНАМАСИ:

ТАРЕЛКАГА БЕМОР КОНИ ПЛАЗМАСИНИ КАТА ТОМЧИСИ ВА
ДОНОР КОНИ КИЧИК ТОМЧИСИ ТОМИЗИЛИБ АРАЛАШТИРИЛАДИ.
5 МИНУТДАН СУНГ АРАЛАШМА УСТИГА 1-2 МЛ ФИЗЛОГИК
ЭРИТМА ТОМИЗИЛИБ КУЗАТИЛАДИ. АГГЛЮТИНАЦИЯ
РЕАКЦИЯСИ ЮЗАГА КЕЛСА БУ КОН КУЙИШ УЧУН ЯРОКСИЗ.

РЕЗУС МОСЛИК СИНАМАСИНИ АНИКЛАШ (СОЛОВЬЕВ
СИНАМАСИ).

РЕЗУС МОСЛИК СИНАМАСИ ХАР ДОИМ КОН КУЙИШДАН ОЛДИН
БАЖАРИЛИШИ КЕРАК. БУНИНГ УЧУН ПЕТРИ ЧАШКАЧАСИГА
БЕМОР КОНИ ЗАРДОБИДАН 2 ТОМЧИ ВА 5:1 НИСБАТГА ТУГРИ
КЕЛУВЧИ ДОНОР КОНИ ТОМИЗИЛИБ, АРАЛАШТИРИЛАДИ. ПЕТРИ
КОСАЧАСИНИ +42+48 С ЛИ СУВ ХАММОМИГА 10 МИНУТ
КУЙИЛАДИ ВА ШУНДАН СУНГ АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИ БОР
ЁКИ ЙУКЛИГИ АНИКЛАНАДИ. АГГЛЮТИНАЦИЯ РЕАКЦИЯСИНИ
БУЛИШИ КОН РЕЗУС ФАКТОР ТОМОНИДАН НОМОСЛИГИ, КОННИ
КУЙИШ МУМКИН ЭМАСЛИГИНИ КУРСАТАДИ.

БИОЛОГИК МОСЛИК СИНАМАСИ.

БУ СИНАМА УЧ МАРТА 25 МЛ.ДАН КОНИ ОКИЗИБ – ТЕЗ ТОМИРГА
ЮБОРИШ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ. 25 МЛ. КОН ТОМИРГА
ТЕЗ ЮБОРИЛГАНДАН КЕЙИН 3 МИН.ГА КОН ЮБОРИШ
ТУХТАТИЛАДИ. АГАР НОХУШ, БЕЛДА ОГРИК, КАЛТИРАШ ВА
СОВУК КОТИШ ХОЛАТЛАРИ БЕМОРДА КУЗАТИЛМАСА, ЯНА 25
МЛ. КОН ЮБОРИЛАДИ. БУНДАЙ СИНОВ ЯНА БИР МАРТА
КАЙТАРИЛАДИ, РЕАКЦИЯ КУЗАТИЛМАГАН ТАКДИРДА КОННИНГ
КОЛГАН МИҚДОРИ ОДАТДАГИДАЙ КУЙИЛАДИ. АГАР БЕМОР
НАРКОЗ ОСТИДА ОПЕРАЦИЯ КИЛИНАЁТГАН БУЛСА, УНДА
БИОЛОГИК МОСЛИК СИНАМАСИ УТКАЗИЛМАЙДИ. БЕМОРГА КОН
КУЙИЛИБ БУЛГАЧ, УНИНГ ТАНА ХАРОРАТИ 24 СОАТ ИЧИДА
МУНТАЗАМ УЛЧАБ ТУРИЛАДИ ВА БИР КУН УТГАЧ БЕМОР
СИЙДИГИ ТЕКШИРИБ КУРИЛАДИ.

КОНИ ВЕНА ТОМИРИ ИЧИГА (ВЕНЕПУНКЦИЯ, ВЕНЕСЕКЦИЯ),
АРТЕРИЯГА, СУЯК ИЧИГА КУЙИШ МУМКИН.

АРТЕРИЯ ИЧИГА КОН КУЙИШ УСУЛИ БЕМОР ТЕРМИНАЛ
ХОЛАТДА БУЛГАНДА, АЙНИКСА ШОКДА, УТКИР КОН
ЙУКОТГАНДА, ЮРАК ВА НАФАС ОЛИШ ТУХТАГАНДА ИЖОБИЙ
НАТИЖА БЕРАДИ. ОДАТДА КУЛ ЁКИ ОЁКДАГИ АРТЕРИЯ
ОПЕРАЦИЯ ЙУЛИ БИЛАН ОЧИЛАДИ ВА ПУНКЦИЯ КИЛИБ, 200 –
250 ММ.СИМ.УСТ. БОСИМИДА КОН КУЙИЛАДИ.

СУЯК ИЧИГА КОН КУЙИШ М.АРИНКИН ТОМОНИДАН ТУШ СУЯГИ ПУНКЦИЯСИ ЙУЛГА КУЙИЛГАНДАН KEYИН КУЛЛАНИЛА БОШЛАНДИ. СУЯК ИЧИГА ТОМЧИЛАБ ВА ОКИМ БИЛАН МАХСУС МАНДРЕНЛИ ИГНА ОРКАЛИ КОН КУЙИЛАДИ. ТОМЧИЛАБ КУЙИЛГАНДА БИР ДАКИКАДА 5-20 ТОМЧИ ЮБОРИЛАДИ ВА 12 СОАТ ДАВОМИДА 200-300 МЛ. КОН КУЙИЛАДИ, ШУНИНГ УЧУН БУ УСУЛ КЕНГ ТАРКАЛМАГАН.

АУТОГЕМОТРАНСФУЗИЯ – УЗ КОНИНИ УЗИГА КУЙИШ ИККИ УСУЛДА БАЖАРИЛАДИ: БЕМОР КОНИНИ КОНСЕРВЛАБ, ОПЕРАЦИЯГАЧА САКЛАНАДИ ВА КУЙИЛАДИ ЁКИ ШИКАСТЛАНИШ НАТИЖАСИДА КУКРАК ВА КОРИН БУШЛИКЛАРИДА ЙИГИЛИБ КОЛГАН КОНИ БЕМОРНИНГ УЗИГА КУЙИЛАДИ, БУНГА РЕИНФУЗИЯ ДЕЙИЛАДИ. АУТОГЕМОТРАНСФУЗИЯ БЕМОРЛАРДА 1934 ЙИЛДА Н. БУРДЕНКО КЛИНИКАСИДА БИРИНЧИ МАРТА МУВАФФАКИЯТЛИ КУЛЛАНИЛГАН.

ГЕМОТРАНСФУЗИОН АСОРАТЛАР КОННИНГ 3 ДАН БИР КИСМИ КУЙИЛГАНДА ЮЗАГА КЕЛАДИ, УЛАР БЕМОР УЧУН УНЧАЛИК ХАВФЛИ ЭМАС. АСОРАТЛАРНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ КУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ: УМУМИЙ ХОЛСИЗЛИК, КАЛТИРАШ, ХАРОРАТ КУТАРИЛИШИ, БЕЛДА ВА БОШДА ОГРИК БУЛИШИ, КУНГИЛ АЙНИШИ, КВИНКЕ ТОШМАЛАРИ ТОШИШИ, КИЧИМА ВА ШИШ ПАЙДО БУЛИШИ. ОДАТДА БУ БЕЛГИЛАР КОН КУЙИЛГАНДАН KEYИН 20 – 30 МИН. УТГАЧ КУЗАТИЛАДИ.

ГЕМОТРАНСФУЗИОН РЕАКЦИЯЛАР КУПРОК КУЗАТИЛАДИ. БУЛАР: ПИРОГЕН, АНТИГЕН, АЛЛЕРГИК ВА АНАФИЛАКТИК РЕАКЦИЯЛАРДИР.

ПИРОГЕН РЕАКЦИЯ КОНСЕРВЛАНГАН КОН БИЛАН БЕМОР ОРГАНИЗМИГА ПИРОГЕНЛАР ТУШГАНДА ЮЗАГА КЕЛАДИ. ПИРОГЕН РЕАКЦИЯ 3 ХИЛ ОГИРЛИКДА КЕЧАДИ:

А. ЕНГИЛ РЕАКЦИЯ – БУНДА ТАНА ХАРОРАТИ 1 ГРАДУСГАЧА КУТАРИЛАДИ, БОШ

ВА КУЛ-ОЁКЛАРДА ОГРИК ПАЙДО БУЛАДИ, БЕМОР ХОЛСИЗЛАНАДИ. БУ ХОЛ УЗОК ЧУЗИЛМАЙДИ, ДАВОЛАНИШСИЗ УТИБ КЕТАДИ.

Б. УРТАЧА ОГИРЛИКДАГИ РЕАКЦИЯ – ТАНА ХАРОРАТИ 2 ГРАДУСГАЧА КУТАРИЛАДИ, ЮРАК УРИШИ ВА НАФАС ОЛИШИ ТЕЗЛАШАДИ, БАЪЗАН ЭШАКЭМГИ ТОШАДИ.

В. ОГИР РЕАКЦИЯ – ТАНА ХАРОРАТИ 2 ГРАДУСДАН ОШАДИ, КУЧЛИ КАЛТИРАШ КУЗАТИЛАДИ, ЛАБ, КУЛОК УЧЛАРИ КУКАРАДИ, БОШДА, СУЯКЛАРДА ВА БЕЛДА ОГРИК БУЛАДИ,

КВИНКЕ ШИШИ ПАЙДО БУЛАДИ. БУНДАЙ БЕМОРЛАР МАХСУС
ДАВО ОЛИШЛАРИ ШАРТ.

АНТИГЕН РЕАКЦИЯ ПЛАЗМА ОКСИЛЛАРИГА
ИЗОСЕНСИБИЛИЗАЦИЯ БУЛГАНДА ПАЙДО БУЛАДИ.

АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯ КОН КУЙИШДАН КЕЙИН БИР НЕЧА ДАКИКА
УТГАЧ ПАЙДО БУЛАДИ. У КОНДА ТУРЛИ ХИЛ
ИММУНОГЛОБУЛИНЛАРГА СЕЗГИРЛИК ОШИШИ НАТИЖАСИДА
ЮЗАГА КЕЛАДИ. КЛИНИКАСИ: ХАРОРАТ ОШАДИ, НАФАС
КИСАДИ, КУНГИЛ АЙНИЙДИ, БЕМОР КУСАДИ, ХАНСИРАШ
БЕЛГИЛАРИ ПАЙДО БУЛАДИ. БУНДАЙ ХОЛАТДА
АНТИГИСТАМИН ВА ДЕСЕНСИБИЛИЗАЦИЯ КИЛУВЧИ МОДДАЛАР,
ЮРАК КОН-ТОМИР ИШИНИ ЯХШИЛОВЧИ ВОСИТАЛАР
КУЛЛАНИЛАДИ. ПИРОГЕН ВА АНТИГЕН РЕАКЦИЯЛАРНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ЮВИЛГАН, МУЗЛАТИЛГАН, ЭРИТИЛГАН
ЭРИТРОЦИТЛАР, ТРОМБО-ЛЕЙКОЦИТ МАССАСИ, ПЛАЗМА
КУЙИЛГАНИ МАЪКУЛ.

АНАФИЛАКТИК РЕАКЦИЯ КАМДАН КАМ УЧРАЙДИГАН ХОЛАТ
БУЛИБ ХИСОБЛАНАДИ. УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН БЕМОРДАН
УНГА АВВАЛ ОКСИЛ ПРЕПАРАТЛАРИ КУЙИЛГАНИ, ВАКЦИНАЦИЯ
КИЛИНГАНЛИГИНИ БИЛИШ ЗАРУР. АНАФИЛАКТИК РЕАКЦИЯ 2-3,
ХАТТОКИ

5-6 КУНДАН КЕЙИН КУЗАТИЛИШИ МУМКИН.

СИФАТСИЗ КОН КУЙИШДА КУЗАТИЛАДИГАН АСОРАТЛАР
БАКТЕРИАЛ ИФЛОСЛАНИШ КОНИ ТАШИШДА, САКЛАШДА ВА
ФЛАКОНЛАР ЗИЧ БЕРКИТИЛМАГАНДА РУЙ БЕРАДИ. БУНДА
БЕМОР АХВОЛИ ЗАХАРЛАНИШ НАТИЖАСИДА ПАЙДО
БУЛАДИГАН КЛИНИК БЕЛГИЛАРГА УХШАБ КЕТАДИ ВА
КУЙИЛГАН КОН КОЛДИГИДА БЕМОР КОНИДА ТОПИЛГАН
МИКРОБЛАР АНИКЛАНИШИ МУМКИН. БУНДАЙ БЕМОРГА ДАВО
КИЛИНМАСА, КОН КУЙИЛГАНДАН КЕЙИН 3-7 КУН ИЧИДА БЕМОР
СЕПСИС, УРЕМИЯ ВА ЮРАК КОН-ТОМИРЛАР
ЕТИШМОВЧИЛИГИДАН УЛИШИ МУМКИН.

ТРОМБОЭМБОЛИЯ

ВЕНА ТОМИРИ ИЧИГА КОННИНГ ЛАХТАЛАНИШИ НАТИЖАСИДА
ТИКИЛИБ КОЛИШИ. ЛАХТАЛАНГАН КОН УПКА ИНФАРКТИНИ
КЕЛТИРИБ ЧИКАРАДИ. БУ АСОРАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН
КОНИ ЛАХТАЛАМАСДАН ТАЙЁРЛАШ, ВЕНА ТОМИРИНИ
ШИКАСТЛАНТИРМАЙ ТЕШИШ, ТРОМБГА УЧРАГАН ТОМИРНИ
ПУНКЦИЯ КИЛМАСЛИК КЕРАК. КОН КЕТИШИ КИЙИН БУЛГАН
ХОЛЛАРДА МИКРОФИЛЬТРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЛОЗИМ.

КАЛИЙДАН ЗАХАРЛАНИШ

УЗОК САКЛАНГАН КОНДА КАЛИЙ МИҚДОРИ ОШИБ КЕТАДИ ВА ЭЛЕКТРОЛИТЛАР БАЛАНСИ БУЗИЛАДИ, БУ ЭСА ЮРАК ИШИНИ СУСТЛАШТИРАДИ. БУ АСОРАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ЯНГИ ТАЙЁРЛАНГАН ЭРИТРОЦИТАР МАССА, 10 % ЛИ КАЛЬЦИЙ ХЛОРИД ЭРИТМАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ.

МАССИВ КОН КУЙИШ СИНДРОМИ

БУНДА БЕМОРНИНГ КОН ТОМИРИГА 24 СОАТ ИЧИДА АЙЛАНИБ ЮРГАН КОН ХАЖМИНИНГ 40-50 % КУЙИЛИШИ ТУШУНИЛАДИ.

Б.ПЕТРОВСКИЙНИНГ ФИКРИЧА МАССИВ КОН КУЙИШ СИНДРОМИГА КУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:

1. ЮРАК КОН-ТОМИРЛАР ТИЗИМИ АСОРАТЛАРИ: ТОМИР КОЛЛАПСИ, АСИСТОЛИЯ, БРАДИКАРДИЯ, ЮРАК ТУХТАШИ ВА КОРИНЧАЛАРНИНГ ФИБРИЛЛЯЦИЯГА УЧРАШИ.
2. КОНДА КАЛЬЦИЙ МИҚДОРИНИНГ КАМАЙИШИ, КАЛИЙНИНГ КУПАЙИШИ.
3. КОННИНГ ИВИШИ ВА УНГА ҚАРШИ ТИЗИМНИНГ БУЗИЛИШИ.
4. ОРГАНИЗМ ХИМОЯ КУЧИНИНГ КАМАЙИШИ ВА ИЧКИ ОРГАНЛАР ДЕВОРИГА МАЙДА КОН КУЙИЛИШЛАРНИНГ КУЗАТИЛИШИ.

КУЙИЛГАН КОН ОРКАЛИ ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ЮКИШИ. ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР БЕМОРГА КОНСЕРВЛАНГАН КОН ТАРКИБИДАН ДОНОРДА КАСАЛЛИК ИНКУБАЦИОН ДАВРДА ЁКИ УНИ ТЕКШИРИШДА ДИАГНОСТИК ХАТОЛАРГА ЙУЛ КУЙИЛГАНДА УТАДИ. БУНДАЙ КАСАЛЛИКЛАРГА БЕЗГАК, КИЗАМИК, ТОШМАЛИ ВА КАЙТАЛОВЧИ ТЕРЛАМА, ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ, ОИТС ВА БОШКАЛАР КИРАДИ.

ГЕМОТРАНСФУЗИОН ШОКНИ ДАВОЛАШ:

1. КОН ТОМИРЛАРИГА СПАЗМОЛИТИК ВА АНТИГИСТАМИН ВОСИТАЛАРИ, КОРТИКОСТЕРОИДЛАР, СИЙДИК ХАЙДОВЧИ ПРЕПАРАТЛАРДАН ЮБОРИШ.
2. ГЕМОДИНАМИК ТАЪСИРГА ЭГА КОН УРНИНИ БОСУВЧИ ВОСИТАЛАРНИ КУЛЛАШ.
3. МАННИТОЛ ЁКИ СОРБИТОЛ КУЙИШ.
4. КУМБС РЕАКЦИЯСИГА АСОСЛАНГАН ХОЛДА ЯНГИ ТАЙЁРЛАНГАН КОН КУЙИШ.